



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 3 март ● сешанба ● № 9 (626) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Баҳор — гўзаллик, нафосат, ҳаётӣлик фасли!

Таъзим

Ёдимда болалик, завқли онларим
Югуриб юрардим билмасдан ҳеч ғам.
Дилингиз тубида ётган ғамларни,
Онажон, англадим мен улғайган дам.

Нурли юзингизга тушган ҳар ажин
Юрагим бир четин кемиради рост.
Қанийди вақтни мен ортга қайтарсам,
Ташвишлардан сизни этсайдим халос.

Алишмам бир тола оқ сочингизни,
Камалак тус олган етти жилога.
Меҳрли чеҳрангиз ёритар умрим,
Она нур бағишлар экан дунёга.

Таъзим қилишдан ҳеч чарчамас бошим
Меҳру муҳаббатга бошлабсиз бизни.
Сиз менинг дунёда сўнмас қуёшим,
ОНА бўлиб дилдан тушундим сизни.

Ирода
МАҲМУДОВА



Баҳор каби гўзал

ҲОЗИРДА мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизда аёлларга ўз салоҳияти, билими ва ғайратини намоён этиш учун етарли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Аёл — раҳбар, банкир, прокурор сифатида меҳнат қилиб, юксак натижаларга эришиш имконияти мавжуд. Албатта, булар Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат сифатида қад ростлаётганининг яққол далилидир.



Светлана ОРТИКОВА,
Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратураси
бўлим бошлиғи, адлия
катта маслаҳатчиси

Сўнгги вақтда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида аёлларимиз у ёки бу соҳада ўз жойи ва ўрнини топиб, тараққиётга ўз улушини қўшаётганини билиб, қувонасан киши. Аёл, авваламбор, онадир. Демак, оила биринчи ўринда турувчи тушунча. Шу билан бирга миллионлаб аёлларимиз тарозининг оила ва иш паллаларини бир хилда ушлаб туриши айнан ўзбек аёлининг миллий қадриятларини белгилайди.

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан чин дилдан табриқлайман. Уларга бахт-саодат, оиласига тинчлик, тотувлик, меҳнат фаолиятларида каттадан-катта зафарлар тилаб қоламан. Аёлларимизнинг ҳар бир куни баҳорнинг илк нафаси каби хушбўйликка, рангдорлиги каби нафисликка ҳамда илиқлиги каби нафосатга тўла бўлсин.

Ўз касбий фаолиятимдан келиб чиқиб, яна шунини қайд этишим лозимки, прокуратура органлари ўз ваколати доирасида доимий равишда аёлларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясидадир.

Оддий ҳақиқатни унутмайлик



Гулмира МУСАЖОНОВА,
тележурналист,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ҳодими

Кўпинча, бизни "бахт" ўзи нима деган савол ўйлантиради, қийнайдми. Назаримда, бахт бу сабр бўлса керак. Сабр қилган одам бахтга, саодатга етишади. Шунингдек, ушбу саволга кўпчилик — бахт бу сени тушуниш, деб ҳам жавоб беришади. Бу фикрга ҳам

қўшиламан. Чунки журналистикани танлаган аёлининг яқинлари у танлаган касб қанчалик мураккаб эканлигини тушунсалар, уни қўллаб-қувватласалар, изланиш, ишлаш, ижод қилиш учун имконият берсалар — бу ўша аёлининг бахтидир. Оила ҳар бир ўзбек аёли учун муқаддас. Тилагим эса нафақат байрамларда, балки ҳар куни аёлларимиз гўзал бўлишсин. Уларнинг қалби, бахти, ҳаёти ҳам худди ўзларидек чиройли бўлсин. Аёлларимиз ҳаммаша севиб, севилиб, суюниб, суюкли бўлиб яшашсин. Ва ҳеч қачон оддий бир ҳақиқатни — биз бу гўзал дунёга бахтли бўлиш учун келганимизни унутмайлик. Чин маънодаги гўзал аёл эса бу бахтли аёлдир. Мен ҳар бир аёлга бахт тилайман.

Қишлоқдаги аёл

АГАР СИЗ йўл-йўлакай бошида дуррача, юзлари офтобда қорайган, қўллари қадоқ қишлоқ аёлига дуч келсангиз, албатта, унга раэм ташлашингиз аниқ. Қишлоқ аёлларининг кўнглида нозиклик, қалбида самимийлик, юзларида табиийлик, гап-сўзларида оддийлик бўлади.



Саодат ЎРМОНОВА,
журналист, "Олтин қалам" миллий
мукофоти совриндори

Бу аёллар ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётни гўзал эттишга, вақтни кўнглили ўтказишга, бола-чагини тарбиялашга вақт топишади. Чунки, улар ўз она ерларини, ўз фарзандларини, уй-жойларини

чексиз меҳр-муҳаббат билан сева оладилар. Мана шу меҳр ва муҳаббатларини тарбиялашга вақт топишади. Чунки, улар ўз она ерларини, ўз фарзандларини, уй-жойларини

Дил қувончи



Нозимахон
ХОЛИКОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори

ИСТИҚЛОЛ ёшларнинг таълим олиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун улкан имкониятлар эшигини очди, шунинг-



2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ҳаёт ўзанлари

Юртга ризқ-рўз, хонадонларни файзиёб қилаётган қишлоқ аҳлининг бугуни ва эртанги ёрқин ҳаёти адлия идоралари нигоҳида

ИНСОНИАТНИНГ илк ҳаёт ўзанлари қишлоқларда пайдо бўлган. Одамзот яраганидан то энг тараққий этган шу бугунги кунгача қишлоқ замини ризқ-рўз манбаи, тириклик таянчи бўлиб келаётган. Шу бок қишлоққа қаратилган эътибор шаҳару қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, ўсиш ва фаровонликка хизмат қилади.



Одам савдоси — давр муаммоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшлар орасида халқчил тилда тарғиб этиш мақсадида Тошкент юридик коллежида "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Трансмиллий жиноят



ТАДБИРДА одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётгани билан барчада ташвиш ва хавотир уйғотаётганлиги таъкидланди.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда. Ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган 2008 йилнинг 9 ойи давомида республикада 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 1283 нафарини

эркаклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини воғга етмаганлар ташкил этган. Жорий йилнинг январь ойи давомида биргина Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан айнан одам савдоси билан боғлиқ бўлган 8та жиноят иши кўзга-тилган ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган.

Тадбир давомида коллеж талабаларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тайёрланган "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзудаги видеоролик намойиш этилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан одам савдосига қарши курашиш юзасидан миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Анжуман сўнгиде, бу каби тадбирларни бошқа коллеж, лицей ҳамда ўқув муассасаларида, шунингдек, Тошкент шаҳри маҳаллаларида ўтказишга келишиб олинди.

Азизхон НОДИРОВ,
Адлия вазирлиги Ахборот
хизмати ходими

Дивиденд ололмаётган эди

адлия органи ёрдами билан муаммо ҳал бўлди

Адлия аралашгач...

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига, янгидан ташкил этилган тузилмаларга ушбу қонун ҳужжатлари амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

ТАДБИРКОРЛАР, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилиниши таъминлаш адлия органларининг алоҳида назоратига олинган.

Хусусан, "Хоразмдонмаҳсулотлари" АЖнинг акциядори Н.Яхшимуродов жамият томонидан дивиденд тўланмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлиги "Ишонч телефони"га мурожаат қилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан "Хоразмдонмаҳсулотлари" АЖга жорий йил 9 февралда огоҳнома киритилди.

Мазкур огоҳнома асосида "Хоразмдонмаҳсулотлари" АЖ томонидан Н.Яхшимуродовга дивиденд тўлаш чоралари кўрилмоқда.


Бундан ташқари, адлия органларининг жойларда қонун ижросини ўрганишда ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини

тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибиде тўлиқ тиклашга, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ ўндириб берилишини таъминлашга, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатишга қаратилмоқда.

Хусусан, Фарғона вилояти, Кува туманида фаолият юритаётган "Асака табак" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Убайдуллаевнинг Кува тумани ДСИ ходимлари ҳаракатидан норози бўлиб, Адлия вазирлиги "Ишонч телефони"га қилган мурожаати асосида аниқланган қонунбузилишларда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди ва унга асосан айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун қонуний асослар мавжуд ва уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий назоратидадир. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилган, улар фаолиятини ноқонуний чеклаган айбдор шахсларга жазо муқаррабдир.

Эрмухаммад ШЕРМАТОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,
Шокир РАФИҚОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими



Адлия идораларида фаол тарғибот

Хуқуқий тафаккур

Юксаклигига эришиш пировард мақсадимиздир

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи давомида Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида "Жамиятда хуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда.



Тадбир давомида Адлия органлари ва муассасалари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига оид матбуот, телевидение ва радио материалларининг сифат ва мазмундорлигини яхшилаш, бу борада амалга оширилган ишлар, мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида аниқ таклифлар билдирилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида айнан шу мавзуда ўтказилган анжуманда Адлия вазирлиги Ахборот хизмати, республика ва вилоят миқёсида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда хуқуқий тарғибот ва матбуот бўйича вакиллари, Суд департаменти, нотариат ва ФХД, адвокатура йўналишидаги масъул ходимлар иштирок этдилар.



НАВОЙИ ВИЛОЯТИДА ўтказилган матбуот анжуманида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан бир қаторда таклифларини ҳам билдирдилар.

Жумладан, Хатирчи тумани ФХД бўлими мудириси Манзура Қўлдошеванинг хуқуқий-норматив ҳужжатлар тарғиботига бағишланган кўриктанловларни қўпайтириш лозимлиги тўғрисидаги таклифи кўпчиликка манзур бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Навоий вилояти бўлими раиси Баҳриддин Садриддинов эса ҳар бир корхона ва ташкилотда имкон қадар матбуот хизматини ташкил этиш айти мудоао эканлигини билдирди. Вилоятнинг "Знамя дружбы"

газетаси бош муҳаррири Ольга Сашина адлия бошқармаси билан газета ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилганини ва бу ҳамкорлик аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтиришга самарали хизмат қилаётганлигини баён этди. Газетада "Фуқаролик жамияти" номли саҳифа мунтазам ёритилаётганлиги ва унинг газетхонларга манзур бўлиши айнан таъминланаётганлигини таъкидлади.

Навоий индустриал-иқтисодий коллежи талабаси Зебинисо Муҳсинова эса ёшлардан иборат хуқуқий тарғибот гуруҳини ташкил этиш ва улар иштирокида хуқуқий маданиятни ошириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш таклифи билан чиқди.

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ўтказилган анжуманда таъкидланганича, ҳозирги кунда жамиятимизда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни ошириш ишларини кучайтириш, аҳоли ўртасида хуқуқий билимлар ва хуқуқий маданият тарғиботини юксалтириш, аҳолининг хуқуқий маърифат соҳасидаги ташаббускорлигини қўллаб-

қувватлаш республика миқёсида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади.

Шунингдек, тадбир давомида адлия органлари ва муассасалари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, адлия тизимидаги материалларнинг сифатини яхшилаш, бу борада

амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда келажакдаги режалар хусусида фикрлар алмашилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА, Маруса ҲОСИЛОВА, Валижон ЮСУПОВ, Ойдин АНОРОВА, "Инсон ва қонун" мухбирлари



Адлия вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда хуқуқий демократик давлат барпо этиш, очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг хуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланди.

Адлия идораларида бугунги матбуотнинг мавқеи, жамиятдаги ўрни, куч-қудрати

ҳисобга олиниб, узвий ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги қувончли ҳолдир, — дейди анжуман иштирокчиси Ромитан туманидаги "Ромитаннома" газетаси муҳаррири Жўра Фозилов. — Тўғриси, қонунчилик тарғиботи ишларини оммавий ахборот воситаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам журналистлар ва хуқуқшунослар фаолиятида муштараклик бўлиши шарт. Чунки инсон қонунсиз яшай олмайди. Шундай экан, рост гапни, адо-

латни, қонун устуворлигини айтиш, ошқора ёритиш энг муҳим вазифамиздир. Биз журналистлар ҳар бир шахс фаолияти ҳақида ёзмоқчи бўлсак ёки уни танқид қилмоқчи бўлсак, албатта, ҳолисликка риоя қилишимиз керак. Анжуманда журналистлар билан ҳамкорликда адлия тизими ходимлари коллежи, лицей ва умумтаълим мактабларида доимий учрашувлар ўтказиб туриш таклифи ўртага ташланди.



Келажакка ғамхўрлик

Вояга етмаганлар


хуқуқий муҳофазаси ҳам қарз, ҳам фарз

Ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, биринчи навбатда ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш учун зарур бўлган маблағлар ва кредитлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

УШБУ вазибаларни бажариш мақсадида ҳуқуқимиз ва Президентимиз томонидан қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги "Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олиниши, шунингдек, кейинчалик уларнинг ишга жойлаштириш ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2007 йил 17 июлдаги "Вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисида"ги Низоми, 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бола хуқуқлари кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2008 йил 7



январда "Бола хуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, 2008 йил 16 апрелда "Вояга етмаган шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Бола хуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, вояга етмаганлар ва болалар хуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг хуқуқий тарғиботи бўйича иш режалар тузилиб, унга қўра, вазирликнинг барча ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар хуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ишлар қўлама янада кенгайтирилди. Масалан, Жиззах вилояти адлия бошқармаси ва тизимдаги ходимлар томонидан 2008 йил давомида вояга етмаган

лар ва болалар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жами 275 маротаба хуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, шундан, 17 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали, 258 маротаба оғзаки хуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги ташаббуси билан 2008 йил 25 октябрдан 26 ноябргача республика бўйича "Бола хуқуқларини ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир" шиори остида хуқуқий саводхонлик ойлигининг ўтказилиши вояга етмаганлар ва болалар хуқуқларини муҳофаза қилишнинг самарали усули сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилиниши адлия органлари олдида қишлоқда яшовчи ёшлар ва вояга етмаганларнинг хуқуқий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, уларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш чора-тадбирларини кучайтиришда масъулиятли вазифини оқлайди.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ, Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Шахс эркинлигининг кафолати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси, Тошкент Давлат юридик институти, Бекобод тумани ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан Бекобод тумани ҳокимлигида "Одам савдосининг олдини олишда давлат органларининг роли", "Одам савдоси — миллатга хиёнатдир" мавзуларида семинар ўтказилди.

УНДА одам савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш борасида турли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 12 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилгани, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлиги, Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг фаолияти ҳақида кенг маълумот берилди.

Иштирокчиларга одам савдосининг салбий оқибатлари, унинг кўринишлари ва қонунчиликда шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларини акс эттирувчи плакатлар, буклетлар ва эслатмалар тарқатилди.

Зоир ЭРГАШЕВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими

Экинзорлар — бойлигимиз

БУХОРО ТУМАНИДАГИ Кавала Маҳмуд ҚФЙда вилоят адлия бошқармаси, туман ички ишлар бўлими, прокуратура, ҳокимлик, хотин-қизлар қўмитаси, туман ФХД бўлими ходимлари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган семинар-иништирокчи бўлиб ўтди.

УНДА хуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказилаётган мониторинг ва текширишлар натижаларига қўра, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай экинзорларнинг пайҳон қилиниши ҳолатлари учраб туриши, бу дон ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг кўпайиб нобуд бўлишига олиб келаётганлиги таъкидланди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, экинзорлар пайҳон қилиниши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли органлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар яна бир бор ўқтирилди.

Зафар ТОИРОВ, Бухоро вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Автомобилдан фойдаланиш

ЖИЗЗАХ ТУМАНИДАГИ, Учтепа ҚФЙда Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобил транспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳамиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА суд, ИИБ ва адлия ходимлари қатнашиб, ўз чиқишларида атомобил транспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг бошқа шахсларга берилиши юзасидан нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қилинаётган ишлар, ҚФЙлар томонидан баъзи нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши тартиби тўғрисида маълумотлар беришди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Илхом НУРИДДИНОВ, Жиззах тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Жамоатчилик иши

МАЪЛУМКИ, сўнгги йилларда ҳуқуқимиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни ташкил этиш ва кучайтиришга йўналтирилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, экинзорларнинг пайҳон ва нобуд қилиниши ҳолатлари тўла қамраб олинмаётган. Ушбу муаммонинг ечимини нафақат қонун ҳимоячилари, балки бутун жамоатчилик иши эканлигини, афсуски, айрим юрдошларимиз теран англаб етишмаяпти.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва пайҳон қилинишига қаратилган.

Бешариқ туманидаги Андархон қишлоқ фуқаролар йиғинида юқоридagi қарорнинг мазмун-моҳияти ва ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар хусусида сўз борди.

Ҳосиятхон МАМАЖОНОВА, Бешариқ тумани ФХД бўлими мудир вазифини бажарувчи

Қонун тарғиботи

ҚАРШИ ШАҲАР ҳокимлиги ва тиббиёт коллежида Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун тарғиботи бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

УНДА вилоят хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Йиғилишда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда республика миқёсидаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Тадбирда хорижга чиқиш тартиб-қоидалари, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги фаолияти ҳамда одам савдосидан жабр кўрганларга қўрсатилмаётган ёрдам, уларни реабилитация қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Ноҳира ҚОДИРОВА, Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ходими

